


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2024 йил 28 февраль, № 43 (8666) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА САНОАТ, ИНФРАТУЗИЛМА ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёевга 27 февраль куни Тошкент шаҳрида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан ахборот берилди.**

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, ҳудудларнинг туризм салоҳиятини рўёбга чиқариш, аҳолининг уй-жой шароитлари ва шаҳарлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича қатор мақсад ва вазифалар белгиланган.

Бугунги йиғилишда бу борадаги ишларни пойтахтда ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни соддалаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида акциядорлик жамияти шаклида "Тошкент инвест компанияси" ташкил этилган. Компания бўш ер участкалари негизида инвестиция лойиҳалари ва давлат-хусусий шериклик, шу жумладан, реновация лойиҳаларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Шу муносабат билан давлат-хусусий шериклик шартларида лойиҳаларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби, пойтахтда реновация лойиҳаларини амалга ошириш тартиби, "ҳаётий давр шартномаси" асосида ҳамкорлик қилиш тартиби тасдиқланмоқда.

Тақдимотда Янгиҳаёт туманининг саноат салоҳиятини ошириш ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилиши режалаштирилган "Янги авлод" махсус саноат зонаси тўғрисида ахборот берилди. 664,5 гектар майдонни эгаллайдиган саноат зонаси ҳудудида яқин йилларда 1,5 миллиард доллар миқдорида тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ўзлаштириш, 2,5 мингта янги иш ўрни яратиш, йилига 1 триллион сўмдан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва 5 миллион доллар миқдорида экспортни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Пойтахтда туризм хизматлари ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Шу мақсадда Тошкентнинг Миробод, Олмазор, Чилонзор, Учтепа, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яккасарой ва Яшнобод туманларида тегишли чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш режалаштирилган. Дастурда гастрономик туризм ва "ҳунармандлар" кўчаларини ташкил этиш, замонавий савдо-сервис объектлари ва меҳмонхоналар қуриш, каналлар бўйида яшил ва дам олиш ҳудудларини барпо этиш кўзда тутилган.

Бу борадаги ишларни маҳалла даражасида ташкил этиш, бунда маҳаллаларнинг "ўсиш нуқталари"ни аниқлаб, муайян фаолият турига ихтисослаштириш ва ҳудудларни кўкаламзорлаштириш бўйича "Андижон тажрибаси"дан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган ҳужжат лойиҳалари ва таклифларни маъқуллаб, уларнинг ижросини сифатли ва самарали ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга қатор топшириқлар берди.

**ЎзА.**

## Сенатор ва ҳаёт

# Ҳудудий дастурлар ижроси қандай бормоқда?

*Жиззах шаҳрида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.*

Мажлисда парламент назорати доирасида Сенат ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг 12 — 14 февраль кунлари ўтказилган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини ўрганиш натижалари кенг муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги 7 йилда вилоят ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган Президентнинг 13 та Фармон ва қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 40 га яқин қарорлари қабул қилинди.

Ушбу даврда қарийб 2,5 млрд. долларлик инвестициялар жалб қилиниб, 3,5 мингта янги корхона ишга туширилган. Бу орқали 46,9 мингта доимий иш ўрни яратилган, маҳаллий бюджетда 1,1 трлн. сўмдан зиёд қўшимча манба маблағлари шакллантирилиб, ҳудуд ихтиёрида қолдирилган.

Вилоят иқтисодиётидаги ўсиш суръати ҳам эътиборга молик. Биргина 2023 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 33,3 трлн. сўмни ташкил этиб, 2022 йилдагига нисбатан 105 фоиз ўсган. Бундай ижобий ҳолат саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва қурилиш соҳаларида ҳам кузатилмоқда.

Инвестиция дастурлари доирасида 760 млн. долларлик 700 дан зиёд лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 10 минг иш ўрни яратилган. Айни чоғда 684,5 млн. долларлик ёки 2022 йилдагига нисбатан қарийб 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган.

Иқтисодий фаоллик натижасида қарийб 4,4 минг янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, бугунги кунда уларнинг сони 16,7 мингтадан ошган.

Яна бир жиҳат. Аҳолини иш билан таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилгани туфайли 157,5 минг киши доимий, вақтинчалик ва мавсумий иш ўринларига жойлаштирилган.

➡ 3

## Ўзбек дипломатиясининг ғалабаси

# ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БУТУН ДУНЁГА ДАЪВАТ

**Ўзбекистон ташаббуси билан 2027 йил Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили, деб эълон қилинади**



26 февраль куни Нью-Йорк шаҳридаги БМТ бош қароргоҳида ташкилот Бош Ассамблеяси томонидан "2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили" резолюцияси бир овоздан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилган ушбу резолюцияга 80 дан ортиқ аъзо мамлакатлар ҳаммуаллифлик қилди.

Ҳужжатнинг бош мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил октябрда Самарқандда бўлиб ўтган БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси сессиясида туризм соҳасининг янги муаммолар ва замонавий хатарлар олдида барқарорлиги ва мослашувчанлиги борасида билдирилган фикрларига асосланган.

Ушбу резолюцияда давлатимиз раҳбари томонидан туризмнинг турли цивилизациялар бой маданий меросини асрашда, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашда, халқларнинг қадриятларини ҳурмат қилишда муҳим ўрин тутиши тўғрисида баён этилган тамойиллар мустаҳкамланган.

Ҳужжатда экология, биохилмахилликни асраш ва атмосферанинг ифлосланишини камайтириш йўлида "яшил" туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Резолюция 2027 йилни Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили, деб эълон қилишни қарор қилади ҳамда ҳукуматлар, БМТ тизимидаги тузилмалар, минтақавий ташкилотлар билан биргаликда йилни муваффақиятли ўтказиш учун комплекс чоралар кўришга чақиради.

— Резолюция Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ўтган йил октябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган БМТ Бутунжаҳон туризм ташкилотининг 25-сессиясида билдирилган баёнотга тўла ҳамоҳанг, — дейди бу муҳим ҳужжатнинг маъқулланишини изоҳлар экан мазкур ташкилот ижрочи директори Зорица Урошевич. — Резолюция барча мамлакатлар учун даъват бўлади, кўплаб инқирозлар ва коронавирус пандемияси туфайли заифлашган, бироқ ҳайратланарли яшовчанлигини намойиш этган туризм соҳасини тиклаш ва янада ривожлантиришга туртки беради. Сайёҳлик сектори 88 фоизга тикланишига эришилди, 2024 йилда унинг 2019 йилдаги даражага кўтарилиши кутиляпти. Бу халқаро йилда амалга оширилиши белгиланган вазифаларни тўла рўёбга чиқариш учун мустаҳкам пойдевор яратади ва Бутунжаҳон туризм ташкилоти ҳамда аъзо давлатларнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларини янада кучайтиради. Бутунжаҳон туризм ташкилоти мазкур резолюция самарадорлигини таъминлаш мақсадида унинг доирасида глобал миқёсда амалга ошириладиган тегишли тадбирларни ташкиллаштириш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ахборот ресурси — "БМТ янгиликлари" ўз саҳифасида "Бош Ассамблея 2027 йилни Халқаро барқарор туризм йили, деб эълон қилди" сарлавҳали мақола чоп этди. Унда мазкур ҳужжат қабул қилинишининг аҳамияти ҳақида сўз боради. Хусусан, мақолада Бутунжаҳон туризм ташкилотининг ўтган йил октябрда Ўзбекистонда бўлиб ўтган сессияси секторни аниқ устуворликлар атрофида узоққа мўлжалланган трансформация қилиш бўйича қарашларнинг нечоғли муҳим эканини тасдиқлаганига урғу берилади. Мақолада, шунингдек, БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг туризм глобал иқтисодиётнинг энг йирик секторларидан бири сифатида маданиятларни бир-бирига яқинлаштириш ҳамда барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратишда улкан салоҳиятга эгалиги ҳақидаги фикрлари келтирилган.

Резолюцияда барқарор туризмни, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни таъминлаш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қилувчи экотуризмни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланади.

Резолюция барча манфаатдор томонларга барқарор ва яшовчан туризмни камбағалликни бартараф этиш, аёллар, ёшлар, кексалар ва ногиронлиги борларнинг иштирокини рағбатлантириш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ҳамда муносиб иш жойлари ва даромад манбаларини яратишнинг муҳим воситаси сифатида фаол илгари суришни тавсия этади.

Ҳужжат билан БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилотига ушбу резолюциянинг амалга оширилиши юзасидан БМТ Бош Ассамблеясининг 83-сессиясида (2028 й.) ахборот бериш, бунда Халқаро йил қай даражада ўтказилганини баҳолашга алоҳида эътибор бериш топширилди.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган резолюция туризм саноатининг глобал даражада янги босқичга кўтарилишини бошлаб беради.

Ҳужжат матнини мувофиқлаштириш бўйича маслаҳатлашувларда Россия, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Туркия, Германия, Буюк Британия, Европа Иттифоқи делегациялари, Япония, Корея Республикаси, Миср, Бразилия, Аргентина каби етакчи давлатларнинг экспертлари фаол иштирок этди ва резолюция мазмунини бойитишга муҳим ҳисса қўшди. БМТга аъзо давлатлар вакиллари ушбу резолюциянинг тақдим этилиши ўз вақтида ва долзарб эканини қайд этдилар.

**«Халқ сўзи».**

# БМТНИНГ НЬЮ-ЙОРКДАГИ БОШ ҚАРОРГОҲИДА САМАРҚАНД ШАҲРИ САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ



*БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси томонидан "Самарқандга йўл: 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказиладиган манзил" мавзуида брифинг уюштирилди.*

## Биз ва жаҳон

Тадбирда БМТнинг юқори мартабали вакиллари, жумладан, Бош котиб аппарати раҳбари Эрл Кортеней Ратрей, Бош котибнинг Бош Ассамблея ва конференция ишлари бўйича ўринбосари Мовсес Абелиан, Бош котибнинг Европа, Америка ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча, Туркия, Саудия Арабистони, Миср, Озарбайжон, Арманистон, Германия, Франция, Люксембург, Швейцария, Корея Республикаси, Қатар, Марокаш, Малайзия, Баҳрайн, Руминия ва Сингапурнинг доимий вакиллари ҳамда диаспора ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Ойбек Ҳамроев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашди.

➡ 3

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 17 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 9 февралда маъқулланган

Кейинги йилларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларни янада кенгайтиришга ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида кредит ташкилотларидан кредит олган аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан айрим объектив сабабларга кўра кредит тўловларини тўлаш кечиктирилган ёки улар қисман тўланган ҳолларда, кредит қарздорлигини узишнинг амалдаги тартибини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Шу билан бирга аҳолининг микромолиявий хизматларга бўлган талаби ошиб бораётганлиги микроқарз беришнинг энг юқори миқдори қайта кўриб чиқилишини тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 19 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда маъқулланган

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсоннинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга ҳамда уларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга бундай ёрдам кўрсатиш учун жиноят, фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш тартибини белгилашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонун лойиҳалари, жумладан, болаларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоялашга доир муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М. Оллоёров маъруза қилди.

Таъкидланганидек, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғини, қадр-қимматини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, ёш авлод жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қаралмоқда. Болалар мажбурий меҳнатига бутунлай чек қўйилди, бу борадаги жавобгарлик кучайтирилди. Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди.

Шунингдек, мактабгача таълим билан қамров даражаси оширилиб, мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Иқтидорли болалар ўзларини намоён этиши учун шарт-шароитлар яратилди. Президент мактаблари, махсус ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари ва "Темурбеклар мактаби" ташкил этилганлиги шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида ҳам болалар масаласига устуворлик берилди. Алоҳида боб оила, болалар ва ёшлар масаласига бағишланди.

Болалар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Олий Мажлис ҳузурида Болалар омбудсмани институтининг ташкил этилиши жамият учун болалар муаммоларига эътиборнинг муҳим кўрсаткичи сифатида намоён бўлди.

Қолаверса, бугунги глобаллашув жараёнида ахборот технологиялари, айниқса, интернетнинг ривожланиши билан болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан, улар зўравонликнинг ҳар қандай шаклидан ҳимоя қилинишини таъминлаш, бу борадаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосини тубдан такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

➡ 3

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига амалга оширилган тўлов суммаси қарз олувчи жисмоний шахсга ёки қарз олувчи тадбиркорлик субъектига ажратилган микроқарз ёки кредит бўйича мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, биринчи навбатда асосий қарзнинг узилишини, шунингдек ажратилган кредитлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда, фоизлар ва неустойкани ҳисоблаш тўхтатилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига микроқарзнинг энг юқори миқдори эллик миллион сўмдан юз миллион сўмгача оширилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун кредит олувчилар учун қўшимча қулайликлар яратишга ва аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

1) **248-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаганда, бошқа келишув бўлмаса, у энг аввало, кредиторнинг ижрони олишга қаратилган чиқимларини, сўнгра фоизларни, унинг қолган қисми эса – қарзнинг асосий суммасини узади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар амалга оширилган тўлов суммаси қарз олувчи жисмоний шахсга ёки қарз олувчи тадбиркорлик субъектига ажратилган микроқарз ёки кредит бўйича мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмаса, қарз олувчининг қарзи қуйидаги навбатда қопланади:

1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;

2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;

3) неустойка (жарима, пеня);

4) кредиторнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари»;

2) **744-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кредит бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда суд қарорида кўрсатилган, кредит бўйича ундириладиган суммага нисбатан ушбу Кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида ҳамда 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар, шунингдек неустойка ҳисобланиши тўхтатилади»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелда қабул қилинган **«Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–765-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 340-модда) **5-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «эллик миллион сўмдан ошмайдиган» деган сўзлар «юз миллион сўмдан ошмайдиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг қоидалари 2024 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Бунда ушбу Қонун 1-моддасининг 1-банди қарз олувчининг микроқарз ёки кредит бўйича мазкур модда амалга киритилгунига қадар юзага келган, бажарилмаган пул мажбуриятларига нисбатан қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 27 февраль
№ ЎРҚ—914

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Ушбу Қонун фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга ҳамда давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **50-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **учинчи – ўн биринчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишга киришиш имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишга киришишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимоячиси сифатида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади, суд эса ажрим чиқаради ва адвокатнинг ишга киришиш вақтини белгилайди.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими «Юридик ёрдам» ахборот тизимига киритилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали автоматик равишда танланади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб қилишда адвокатнинг ишда иштирок этиши тасдиқланган пайтдан эътиборан унга ишга киришиш учун камида тўрт соат вақт берилиши керак.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танланган ҳамда тегишли ишда ўзининг иштирок этишини тасдиқлаган адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорида ёки суднинг ажримида белгиланган муддатда ишга киришиши шарт.

«Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларнинг навбатчилик жадвалига асосан ишда иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин.

Адвокат гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра ёки уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф қилинган ёхуд ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатда ҳимоячини таклиф қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш нияти билдирилган ҳолларда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб этишга йўл қўйилмайди»;

2) **51-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ушбу Кодекс 50-моддасининг тўртинчи – ўнинчи қисмларида белгиланган тартибда жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт»;

3) **60-модда тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун худди ўша қарор ёхуд ажрим билан адвокатни жалб этиш чоралари кўрилади»;

4) **476-модданинг**:

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 667-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда) **297-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган ваколатли мансабдор шахс ёки суд маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг илтимосига кўра, «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг ишда иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб қилишда адвокатнинг ишда иштирок этиши тасдиқланган пайтдан эътиборан унга ишга киришиш учун камида тўрт соат вақт берилиши керак».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Адвокатура тўғрисида»**ги 349–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 8, 631-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **7-модданинг бешинчи қисмидаги** «Жиноят ишида иштирок этишга тайинланган» деган сўзлар «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун танланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **11-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ва миқдорларда амалга оширилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 2, 104-модда, № 3, 187-модда, № 4, 269-модда) **10-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этувчи муассасалар ҳамда органларнинг ваколатли мансабдор шахси суднинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини қайта кўриб чиқишда, шунингдек уларни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ иштирок этишини давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган маҳкумнинг илтимосига кўра таъминлаш чораларини кўриши шарт. Бошқа ҳолларда маҳкум давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўрсатилган махсус ваколатли давлат органига мурожаат қилиши мумкин»;

**иккинчи – олтинчи қисмлар** тегишинча **учинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда) **67-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Суд даъвогарнинг ёки жавобгарнинг илтимосига кўра, «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат жалб этиладиган пайтга қадар суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиради. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб қилишда адвокатнинг ишда иштирок этиши тасдиқланган пайтдан эътиборан унга ишга киришиш учун камида тўрт соат вақт берилиши керак».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 8, 787-модда, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда, № 4, 269-модда) **60-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Суд аризачининг илтимосига кўра, «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат жалб этиладиган пайтга қадар суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиради. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб қилишда адвокатнинг ишда иштирок этиши тасдиқланган пайтдан эътиборан унга ишга киришиш учун камида тўрт соат вақт берилиши керак».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майда қабул қилинган **«Психиатрия ёрдами тўғрисида»**ги ЎРҚ–690-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 5, 415-модда) **10-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шахслар психиатрия ёрдамини олаётганда «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**10-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 27 февраль
№ ЎРҚ—915

# Ҳудудий дастурлар ижроси қандай бормоқда?

1

Муҳокама жараёнида сенаторлар ҳудудда амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган масалалар борлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Мисол учун, Дўстлик ҳамда Зарбдор туманларида бўш турган давлат объектларига тадбиркорларни жалб қилган ҳолда янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини очиш ишлари суст ташкил этилган. Экспорт прогноз кўрсаткичлари Зафаробод ва Янгиобод туманларида 30 фоизга ҳам бажарилмаган.

Вилоят ҳудудларида очилган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари бош режаси бугунги кунга қадар ишлаб чиқилмаган. Қолаверса, шу саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш борасида ҳам ўз ечимини кутиб турган масалалар йўқ эмас.

Мажлисда сенаторлар томонидан мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича қатор таклиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

Кам таъминланган қатлам, хусусан, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган аҳоли муаммоларини хонадонбай ҳал қилиш бўйича ишларни тизимли ҳолда давом эттириш, олий даражадаги ташрифлар доирасида имзоланган савдо-иқтисодий келишувлар бўйича тасдиқланган "йўл хариталари" ижроси самарали амалга оширилишини таъминлаш шулар жумласидандир.

Шунингдек, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар ойда дастурлар доирасида белгиланган вазифалар ижросига масъул идораларнинг амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиши, бу борада масъулиятсизликка йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриши зарурлигига урғу берилди.

Муҳокама якунида Сенат Кенгашининг мавжуд муаммоли масалаларни бартараф қилиш ва келгусида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижросини самарали ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси"ни тасдиқлаш юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Мулоқот

# Делегациямиз ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси қишки сессиясида қатнашди

*Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Вена шаҳри (Австрия)да бўлиб ўтган ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси қишки сессиясида қатнашди.*

Тадбирда ЕХҲТнинг 52 та иштирокчи давлатидан 330 дан ортиқ парламент аъзолари ва ҳамкорлик бўйича шериклар қатнашди. Сессия доирасида ассамблеяларнинг учта доимий қўмитаси мажлиси ҳамда "Европа хавфсизлиги бугун ва эртага: ЕХҲТ келажаги бўйича парламент қарашлари" мавзуида ялпи сессия бўлиб ўтди.

Қишки сессияда Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг маърузалари тингланди ҳамда улар хорижий парламентарийлар ва ЕХҲТ тузилмалари вакилларига ЕХҲТ сайлов стандартларини миллий қонунчилик амалиётига жорий этиш, мамлакатимиздаги иқтисодий ўсишнинг "яшил" омили тўғрисида маълумот беришди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис вакиллари ЕХҲТ ПА Терроризмга қарши кураш махсус қўмитасининг навбатдаги мажлисида ҳам иштирок этди. Унда терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга қарши курашиш, ушбу чақириқ ва таҳдидлардан жабрланганларни реабилитация қилиш борасида атрофлича фикр ва тажриба алмашилди.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи давомида ЕХҲТ ПА махсус вакиллари билан икки томонлама қатор учрашувлар ўтказилди. Уларда мамлакатимизнинг ЕХҲТ доирасидаги ўзаро ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Мезбон томони Ўзбекистондаги ислоҳотларни юқори баҳолаб, уларни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Самарқанд шаҳри салоҳияти тақдим этилди

1

Иштирокчиларга ЮНЕСКО Бош конференциясини юқори ташкилий ва мазмунан бой тарзда ўтказиш учун Самарқанд шаҳрида яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбиркорлик ва маданий, тиббий ва гастрономик туризм объектларини ўзида мужассам этган янги "Ипак йўли" мажмуасининг имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар, шунингдек, Самарқанднинг иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда қадимий ва бетакрор Самарқанд бир қатор долзарб масалалар юзасидан глобал мулоқот марказига айланди. Сўнгги олти ой ичида шаҳарда БМТ мандати остида учта форум бўлиб ўтди. Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси, БМТнинг Чўлланишга қарши кураш конвенциясини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-йиғилиши ва БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир конвенцияси (CMS COP14) томонлар конференциясининг 14-йиғилиши шулар жумласидандир.

Самарқанд 1985 йилдан буён ЮНЕСКО Бош конференцияси унинг бош қароргоҳидан ташқарида ўтказиладиган илк мезбон шаҳарга айланиши таъкидланди. Ташкилотнинг асосий қадриятларини тарғиб этишга улкан ҳисса қўшишга қаратилган ушбу нуфузли халқаро форумни муваффақиятли ўтказиш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этиш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг қатъий интилиши алоҳида урғуланди.

Брифинг иштирокчилари Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини муваффақиятли ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади. Самарқандда халқаро форумларни юқори савияда ташкил этиш учун яратилган инфратузилма ва бошқа имкониятлар ҳақида ижобий фикрлар билдирилди. Самарқанд сессияси ЮНЕСКО тарихидаги ноёб воқеа бўлиб, цивилизациялар ва маданиятлар ўртасидаги ранг-баранглик ва мулоқот рамзига айланишига ишонч билдирилди.

Иштирокчилар ўз чиқишларида ЮНЕСКОнинг Самарқандда бўлиб ўтадиган сессияси ҳақида ўзларининг фикрларини билдирди.

**Мирослав ЕНЧА,**
**БМТ Бош котибининг Европа, Америка ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси:**



— Энг аввало, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Самарқандда ўтказилиши бўйича ушбу муҳим ташаббусни илгари сурган Ўзбекистон Президентини табриклашдан мамнунман. Айтиш мумкинки, бу — БМТ тизимидаги асосий тузилма ҳисобланган ЮНЕСКО фаолиятидаги муҳим қадам. Ташкилотнинг навбатдаги Бош конференцияси гўзал Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши бизга катта қувонч бағишлайди.

Ўтган йили Ўзбекистонга ташриф чоғида Самарқандни зиёрат қилиш имконига эга бўлдим ва тез ўзгариб, янада обод бўлиб бораётган шаҳарнинг замонавий қиёфаси мени ҳайратга солди. Ишончим комилки, ЮНЕСКО Бош конференцияси бўлажак сессиясининг иштирокчилари бу тадбирдан олам-олам таассурот олади.



**Евангелос СЕКЕРИС,**
**Грециянинг БМТдаги доимий вакили:**

— ЮНЕСКО Бош конференциясининг навбатдаги сессияси 2025 йилда Самарқандда ўтказилиши муносабати билан Грециянинг БМТдаги доимий ваколатхонаси номидан Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонасини ва Самарқанд шаҳри раҳбариятини қутлайман.

Ўйлайманки, бу қадимий шаҳарнинг аҳамияти, шунингдек, Ўзбекистон нафақат БМТ доирасида Европа Иттифоқи билан, балки менинг юртим Греция билан ҳам икки томонлама асосда давом этаётган муносабатлар даражасини кўрсатиш учун ноёб имкониятдир.

Эътиборлиси, яқинда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш мақсадида Тошкентда элчихона очиш ниятимизни билдирдик ва бу бизга мамнуният бағишлайди. Шунингдек, биз Ўзбекистон билан БМТ платформасида яқин ҳамкорлик қиламиз ва 2025 йилда Самарқанддаги ЮНЕСКО тадбири муҳим воқеа бўлишига ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига мамлакат учун муҳим воқеа бўлиши кутилаётган мазкур тадбир муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман.

**Абдулазиз Ал-ВАСИЛ,**
**Саудия Арабистонининг БМТдаги доимий вакили:**



— 2025 йилда ЮНЕСКОнинг 43-Бош конференцияси бўлиб ўтадиган Самарқанд шаҳрининг бугунги тақдимотида қатнашганимдан ғоят мамнунман.

Эътироф этиш жоизки, Самарқанд жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган ноёб маданий-тарихий мероси билан дунё минтақаларида жуда машҳур.

Мен Ўзбекистон навбатдаги Самарқанд анжуманини юқори савияда ўтказишига ишонаман. Саудия Арабистони ҳукумати Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ва умуман, БМТдаги саъй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлайди.



**Усама АБДУЛҲОЛИҚ,**
**Мисрнинг БМТдаги доимий вакили:**

— Ўзбекистон доимий ваколатхонаси томонидан ташкил этилган бугунги тадбирда иштирок этиш ва Самарқанд вилояти раҳбарияти билан учрашиш мен учун шарафдир.

Самарқанднинг ЮНЕСКО Бош конференциясига мезбонлигини қўллаб-қувватлаш жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон билан Миср турли соҳаларда ва халқаро ташкилотлар доирасида жуда яқин ҳамкорлик қилади. Биз Ўзбекистоннинг бундай муҳим тадбирга мезбонлик қилиш ниятини қўллаб-қувватлашдан мамнунмиз.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда кўплаб юқори даражадаги тадбирлар ўтказилиб келинмоқда, бу мамлакатингизнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида, жумладан, БМТ доирасида яқин ҳамкорликка интилишини тасдиқлайди.

Биз Мисрда Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Мамлакатингиз минтақада барқарорлик намунаси ва омилидир. Миср кўп қиррали муносабатларни янада чуқурлаштириш тарафдори. Айни чоғда БМТда ҳам ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан яқин ҳамкорлик қилаётганимизни, бир-биримизнинг ташаббус ва қарорларимизни қўллаб-қувватлаётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, барча қардош ва дўст Ўзбекистон халқига эзгу тилакларимни билдираман.

**«Дунё» АА.**
Нью-Йорк

# БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

1



Мажлисда кўрилган қонун лойиҳаси билан болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг ваколатлари аниқ белгиланмоқда. Бунда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар Болалар масалалари бўйича миллий комиссия томонидан мувофиқлаштирилиши, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги комиссиянинг ишчи органи, қолаверса, қонун ижросини таъминлаш бўйича ваколатли орган этиб белгиланиши таклиф этилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида болаларга нисбатан зўравонлик шаклларига таъриф берилиб, уларни содир этишни тақиқлаш, қонунга биноан таъқиб қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда. Болаларга нисбатан зўравонлик шакллари амалдаги учтадан (жисмоний, жинсий, руҳий) олтитага (ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация, буллинг) ошириляпти.

Мазкур қонун лойиҳаси билан илк бор янги институт жорий қилиняпти. Яъни эндиликда болаларга ҳам ҳимоя ордери бериш таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари, лойиҳада болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишда ота-оналарнинг иштироки ва уларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилаётир. Жумладан, ота-оналар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиши, уларга ғамхўрлик кўрсатиши ҳамда зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиши шартлиги, болаларни тарбиялашда уларни жисмоний жазолаш тақиқланиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида таълим ташкилотларида болаларга нисбатан зўравонликка, интизомий жазо чораси сифатида зўравонликнинг ҳар қандай шакли, шу жумладан, жисмоний жазо ва бошқа шафқатсиз хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ёки қадр-қимматни камситувчи муомалани қўллашга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланмоқда.

Мажлисда таъкидланганидек, зўравонлик хавфи остида бўлган болалар тоифалари (етим, назоратсиз, ақлий ривожланишда нуқсони бор, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланаётган болалар) қонун лойиҳасида аниқ белгилаб берилганлиги, соҳадаги ваколатли органларга зўравонликдан жабрланган, зўравонлик хавфи остида бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда зарур ҳолларда уларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишига ёрдам беради.

Лойиҳада зўравонликдан жабрланган болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда уларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг умумий ва якка тартибдаги чора-тадбирлари белгиланмоқда. Хусусан, зўравонлик қурбонининг мурожаати, жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, оммавий ахборот воситалари, интернет жаҳон ахборот тармоғи, ижтимоий тармоқлардаги хабарлар болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг якка тартибдаги чора-тадбирларини қўллаш учун асос бўлади.

Депутатларнинг таъкидлашича, лойиҳанинг қабул қилиниши болаларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш борасидаги муносабатларни тартибга солиш, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш, уларни ҳурмат қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига муросасиз муносабатда бўлиш, зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов қонун лойиҳаси юзасидан ўз муносабатини билдирар экан, бу жараёнда жамоатчилик таклифини ўрганиш муҳим эканлигини таъкидлади. Муҳокама очиқ-ошкора бўлиши, ҳар бир депутатнинг таклифи кўриб чиқилиши ва аҳамиятга моликлари эътиборга олиниши кераклиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ҳам қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарини билдирди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан бир овоздан қабул қилинди. Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасига қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш вазифаси юклатилди.

## Фракциялар нуқтаи назари

**Алишер ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари:**



— Ушбу қонун лойиҳасининг ташаббус қилиниши янги Ўзбекистон ислоҳотларидаги устувор вазифалар сифатида белгиланган таълим, тарбия, оила институтини такомиллаштириш мақсадларининг изчил ва бевосита давоми сифатида қабул қилиниши керак. Бу, шунингдек, аҳолисининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил қиладиган кам сонли давлатлардан бири сифатида Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга масала ҳамдир. Биз таълим, тарбия соҳасида жуда катта ислоҳотларни амалга оширяпмиз. Ва айни жараёнлар катта камчилигимизни кўрсатиб қўйдики, биз аслида ҳал қилмоқчи бўлган масала бола тарбияси билан боғлиқ эканлиги аён бўлди.

"Бугун нима учун ёшлар орасида жиноятчилик учраяпти?", "Нима учун фарзандларимизда агрессивлик намоён бўлаётир?", "Нимага уларда илмга, маърифатга бўлган иштиёқ аждодларимизда бўлгани каби эмас?" деган саволларга мана шу ерда жавоб топишимиз керак. Биз болага нафақат тўғри тарбия бера олмаяпмиз, балки унга зўравонлик кўрсатяпмиз: оилада боланинг фикри умуман ҳисобга олинмайди, боғчада бола эркин гапиролмайди.

Бу биз учун давлатчилик, миллий тараққиёт ҳамда мамлакатимизнинг келажагини ҳал қилиш масаласи эканлигини унутмаган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидламоқчиман. Ўзбекистоннинг қудратли давлат бўлишини хоҳласак, фарзандларимизни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилишимиз, уларга тўғри тарбия беришимиз керак. Шу сабабли қонун лойиҳасига жуда жиддий ёндашишимиз зарур. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича фракциялар ўз таклифини бериши лозим. Айниқса, таълим ва тарбия масалалари устувор ҳисобланган "Миллий тикланиш" ДП бу қонун лойиҳасига катта эътибор билан ёндашади ҳамда ушбу ҳужжатни бугунги кунда жамиятимизнинг энг катта муаммоларидан бирини бартараф қилишда зарур бўлган қонун сифатида ўз таклифларини беради.

**Зуҳра ИБРАГИМОВА,**
**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари:**



— Таъкидлаш лозимки, сўнгги беш йилда Ўзбекистонда ҳар йили ўрта ҳисобда салкам 1 миллионга яқин болалар дунёга келяпти. Масалан, 2019 йилда мамлакатимизда 815 мингга яқин болалар туғилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 968 минг нафардан ошган. Бу эса давлатнинг ўз олдига олган вазифалари ва кафолатларининг бажарилиши жараёнини жадаллаштиришни тақозо этади.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Биргина мактабгача таълим соҳасидаги ислоҳотлар натижасида болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси 74 фоизга кўтарилганини эътироф этиш керак.

Ўтган куни бўлиб ўтган фракциямиз йиғилишида бу қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан кўриб чиқдик ва қўллаб-қувватладик. Фикримизча, давлат бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида ўз зиммасидаги вазифани бажараётган бир пайтда ота-оналар ҳам фарзанди олдидаги мажбуриятларини тўлақонли бажариши лозим. Қонун лойиҳасининг мақсади ҳам шундан иборат.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари:**



— Бугунги кунда Ўзбекистон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратиш, соғлиғининг муҳофазаси ва умуман, келажакда улар мамлакатимизнинг асосий таянчи бўлиши учун барча шарт-шароитни яратмоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинган кўплаб қонунларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, муҳокама қилинган қонун лойиҳасини ҳам ушбу сиёсатнинг узвий давоми деб қарашимиз керак. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам алоҳида боб киритилгани ва ушбу боб оила, болалар ва ёшларга бағишлангани эътиборга молик.

Хусусан, 78-моддада боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, уларнинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитлар яратиш давлатнинг асосий вазифаси эканлиги белгилаб берилди.

Ушбу қонун лойиҳасида, биринчидан, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилияпти. Иккинчидан, ваколатли орган белгиланмоқда. Учинчидан, зўравонликка ёки қонун бузилишига учраган фарзандларимизни ҳимоя қилиш механизмлари очиб берилияпти.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий ғояси бўлган ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат принципларига асосан ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, фракциямиз уни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**
**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:**



— Дарҳақиқат, мамлакатимизда миллий қадриятлар ва анъаналар асосида болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича мукаммал ҳуқуқий база яратилган. Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар илғор хорижий тажриба ва халқаро конвенциялар асосида сайқаллanganини алоҳида таъкидлаш лозим.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам болаларнинг ҳуқуқлари бўйича бир қатор нормалар киритилгани ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича Омбудсман институтининг жорий этилгани бу борадаги изчил ислоҳотларнинг давом этаётганлигидан далолат беради.

Муҳокама қилинган қонун лойиҳаси бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Айниқса, лойиҳада болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланаётгани, бу борада фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари ваколатлари аниқлаштирилаётгани, болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга доир умумий ва якка тартибдаги чора-тадбирлар аниқ акс эттирилаётгани болаларга нисбатан содир этилаётган зўравонликларнинг олдини олиш ҳамда жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**Шуҳрат БАФОЕВ,**
**Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси (ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси):**



— Ўзбекистонда ҳар йили 900 минг, салкам бир миллион нафар болалар дунёга келади. Уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ким таъминлайди? Албатта, давлат.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 78-моддасида давлатга боланинг ҳуқуқларини таъминлашда мажбурият юклатилганлиги уларнинг бу борада янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва яхлит тизимни шакллантириш заруратини юзага келтирди. Президентимиз раислигида яқинда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, болани, умуман, инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими тубдан ўзгариши керак. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги тизимни яратади.

Маълумки, Ўзбекистон болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилган мамлакат сифатида ушбу ҳужжатлардаги нормаларни миллий қонунчилигимизга босқичма-босқич имплементация қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган. 2021 йилдан бошлаб Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича парламент комиссияси ишлаб турибди. Биз мунтазам равишда Парламент комиссияси йиғилишларида тегишли ташкилотлар ҳисоботларини эшитиб бормоқдамиз. 2022 йили БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига "Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларининг бажарилиши юзасидан Бешинчи даврий маърузаси" тақдим этилганди. Даврий маъруза юзасидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ўз тавсияларини берган. Ушбу тавсиялар Парламент комиссиясида кўриб чиқилиб, тегишли қарор асосида миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Умуман айтганда, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган пайтда парламент бу борада пешқадам бўлиши керак. Қолаверса, ҳудудлардаги учрашувларда ушбу қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишда янада фаол бўлишимиз мақсадга мувофиқ.

**«Халқ сўзи».**

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ижодий жамоаси "Халқ сўзи" газетаси ходими Муҳиддин Саидакрамовга онаси

**Шоҳиста МУҲИДДИНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"ERIELL Prof Education" нодавлат таълим муассасаси жамоаси муассаса директорининг собиқ ўринбосари

**Баҳодир ҚАЮМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



# ОНАЛИК БАХТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

## Хотин-қизлар билан ишлашда жавобгарликни янада ошириш — давр талаби

Қишлоқдаги қариндошлар ҳовлисида бўлиб ўтган воқеани сўзлаб беришди: янги жўжалар орасида оёғи таппоқ, тумшуғи сап-сариқ миттича ҳам бор эди. Товуқ босиб ётган тухумлар орасига ўрдакнинг тухуми аралашиб қолганини ҳамма тушунди, лекин она товуқ учун бунинг заррача аҳамияти йўқ, у барча жўжаларга бирдек парвона, меҳрибон, ҳимоячи эди. Фақат ўрдакча она товуқни кўп беҳаловат қилар, орқасидан "чий-чий"лаб эргашиб юрган жўжалардан ажралиб, ҳовли девори олдидан оқаётган ариқ томон юрганда, она товуқ безовта "қа-қағ"лай бошларди. Ўрдакча бепарво "чўлп" этиб сувга тушиб суза бошлар, она товуқ ариқ лабида унга ёнма-ён чопиб, дунёни оёққа турғазмоқчи бўларди...

Бу ҳолни оналик туйғуси, масъулияти ё саодати деб аташ мумкин! Парвардигори олам бир жониворнинг жисмига шунчалар мўъжизани жойлаган экан, инсонларга ато этган оналик мартабасига таъриф бормикин?..

## Долзарб мавзу

Ижтимоий тармоқда кузатганим мана бу хабарлар беихтиёр юқоридаги воқеани ёдга солди:

"Гулистон шаҳрида... Бухоро вилоятида туғилган, Гулистон шаҳрида вақтинча яшовчи аёл жорий йилнинг 30 январь куни туғилган ўғил фарзандини 40 минг АҚШ долларига сотган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган".

"Термиз туманида яшовчи аёл жорий йилнинг 25 январь куни туғилган қиз фарзандини ўзининг жиноий шериги бўлган аёл билан тил бириктириб, Термиз шаҳрида 25 млн. сўмга сотган вақтида ушланган".

"Чирчиқ шаҳрида яшовчи аёл ўзининг 2018 йилда туғилган ўғлини Тошкент шаҳрида 3 минг АҚШ долларига сотган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинган".

"Наманган шаҳрида яшовчи аёл ўзининг 2014 йилда туғилган ўғлини 18 минг АҚШ долларига сотишга келишиб, талаб қилинган пулдан 4 минг АҚШ долларини олган вақтида ушланган".

Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан тасдиқланган, айни кунда ён-атрофимизда юз берган жиноятлар... Афсуски, янгилик эмас, афсуски, қонуний жазолар қўлланаётган эса-да, тузалишнинг ўрнига газаклаб бораётган, ижтимоий муаммога айланаётган ва агар ечим-даво топилмаса, аччиқ оқибатларга олиб келадиган дард-оғриқларимиз...

### Кечирилмас иллат

Мамлакатимизда ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун моддий ва маънавий имконият, шароитлар яратиш Президентимиз, давлатимиз ички сиёсатининг бош йўналишларидан бўлиши учун жиддий ислоҳотлар амалга ошириляпти. Шундай даврда ҳимоя, парвариш, меҳр-муҳаббатга ҳаммадан кўпроқ ҳақли ва муҳтож болажонлардан айримларининг ўз онаси томонидан бир буюм, нарсадек сотиб юборилиши, тан олишимиз керак, жамият учун кечирилмас иллат, деса бўлар. Фикримизга эътироз билдиргувчилар оз эмас. Яъни "Боласини сотган бир бемеҳр, фарзанд қадрини билмас тошбағир, оналикка номуносиб бўлса, бошқаларнинг нима айби бор?"

Жамият — мисоли бир улкан вужуд. Унинг ҳар бир нуқтасидаги ижобий ёки салбий ўзгариш тананинг умумий ҳолати билан бевосита боғлиқ. Ўйлаб кўрайлик, аёл ўз жонининг бир парчаси бўлган дилбандини пул-бойлик эвазига сотиб юбориши қайси даврлардан бошланди? Ўтган асрдаги уруш ва ундан кейинги очлик, қаҳатчилик замонлари, XX асрда совет тузумининг қатағонлари авж олган (халқнинг зиёли ойдинларидан тортиб моддий-маънавий бойликларигача талаб-ташиб кетилган, ёқиб-янчилган) машъум йиллар... Тўғри, ўша замонларда битта-яримта чорасизлар ўзи тирик қолишига ҳам кўзи етмагач, бошқа иложи йўқлигидан боласини ишончли инсонларга бергани ҳақида эшитганмиз, ўқиганмиз. Аммо эгнида кийими, дастурхонида нони, ишлаб даромад топишга имкони, ҳеч бўлмаганда, атрофида маслаҳат ёки ёрдам сўраши мумкин бўлган одамлар бўла туриб боласини сотганини билмаймиз. Аслида паррандаю даррандалар, ҳайвонлар, йиртқичлар-да бу қабоҳатдан йироқ.

Бир неча ўн йиллиiклардан буён оммавий ахборот воситаларида ёзилади, таҳлил қилинади. Эл орасида ҳам озмунча муҳокама бўлмайди. Боласини сотган оналар таърифида аёл зотига номуносиб қанчадан-қанча сўзлар айтилди: "садқаи оналик номи", "шарманда", "енгил-елпи" ва ҳоказо... Лекин самара йўқ... Шу ўринда мулоҳаза қилиб кўрсак: оғир дардга чалинган инсонни даволаш учун унинг қулоғига: "Сен ёмон касалсан, сенинг бу ҳолатинг яхши эмас, сен бу касалдан тузалишинг керак", деган гаплар қуйилишидан зарра наф бўлмайди. Балки беморнинг тақдири айни дарднинг келиб чиқиши, белгилари, асоратлари, даво усулларини яхши билган шифокорга топширилади ва касал одамдан унинг тавсияларига амал қилиш талаб этилади.

Бизнингча, одамфурушлик, оналарнинг ўз боласини сотиши ҳам жиддий ижтимоий дардга айланди. Уларнинг ҳаммаси ҳақида бирдек хулоса чиқариб, муолажаси учун қолипга тушган маслаҳат бериб бўлмайди. Унинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиши, белгилари ижтимоий тадқиқотлар асосида ўрганилиб, олдини олиш чоралари кўрилсагина, бегуноҳ болажонлар бозордаги буюм каби ҳар хил одамлар қўлига тушиб қолишининг олди олиниши мумкин.

Мустақиллигимиз арафасидан токи шу кунларгача бизнинг мамлакатимиз ҳаётида (истиқлолга эришган барча давлатларда бўлгани каби) айрим иқтисодий етишмовчилик, ўтиш даври синовлари бўлди. Илоҳим, ўтган аср гувоҳлари — боболаримиз, момоларимиз, ота-оналаримиз сўзлаб берган қийинчиликлар янги авлодларимиз учун китобларда тарих бўлиб қолсин. Онам эсларди: "Битта қора кулчани тўртта аканг, опангларга бўлиб бериб, даданг иккимиз ушоқларини тамадди қилиб кун ўтказардик". Одамлар ердаги гиёҳларнинг илдизини еб, шишиб кетган даврда ҳам боласини сотгани ҳақида эшитмаганмиз.

Бир кекса отахон ёзганди: "Урушдан кейинги йилларда икки фарзандли тоғам бизни — ота-онадан етим қолган икки жиянини қарамоғига олди. Мен олти яшар, синглим Бувиражаб бешикда ётарди. Бир куни тоғамнинг хотини кунжара ивитиб ҳаммамизга озгинадан берди. Бешикда мўлтираб ётган синглимга ҳам ноилож кунжаранинг сувидан озгина ичириб қўйди. Тонгда уйда йиғи-сиғи бўлиб кетди. Чиқиб қарасам, Бувиражаб кўкариб, қотиб қолган экан. Тоғамнинг хотини умрининг охиригача: "Мен унга кунжара сувини ичирдим, ўлимига сабаб бўлдим", деб йиғлаб гапирарди. Ҳолбуки, ўшанда уйда бир пиёла кунжарадан бошқа нарса йўқ эди".

Аччиқ савол: куни ажриқнинг илдизи, кунжарага қолган замонлардан ҳам жигаргўшасини жонида асраб олиб ўтган момолар, бувилар, оналарнинг авлоди — ўзбек аёли ҳар куни қанча-қанча нону егуликлар ахлатга ташланаётган ҳозирги пайтда қандай сабаб билан боласини сотмоқчи бўляпти, пулга алмашяпти?

> **Шаҳноза... ёш боласи билан отасиникида икки йил ўтирди... Иш излаб Тошкентга келди... ижарада яшади... Келин бўлиб бир муддат Наманганда турди... Кейин Янгийўлга келди... Моддий-маънавий жиҳатдан етишмовчилик, ёлғизлик, тўғри маслаҳат берадиган одамнинг йўқлиги боис хато йўлга кириб қолди. Аслида, у доим ўзимизнинг орамизда, хотин-қизлар билан ишлашга масъуллар фаолият кўрсатиб турган маҳаллаларда яшади. На масъуллар ундан хабар олди, на Шаҳноза шундай масъуллардан ёрдам, маслаҳат сўраши мумкинлигини билди**

Бошқалар нима дейди, билмайман, лекин мен (гарчи 2020 йили Президентимиз томонидан мамлакатимизда камбағаллик борлиги расман тан олинган бўлса-да) айни муаммонинг ўқ илдизи моддий етишмовчилик билан боғлиқ, деган фикрда эмасман.

### Муаммонинг илдизи қаерда?

Юқорида келтирилган маълумотлардаги воқеаларнинг манзилига эътибор қаратсак: Бухоро вилоятида туғилган, Гулистон шаҳрида вақтинча яшовчи аёл; Термиз туманида яшовчи аёл; Чирчиқ шаҳрида яшовчи аёл; Наманган шаҳрида яшовчи аёл, яъни марказий шаҳарларда ёки марказий шаҳарларга яқиндош жойда яшаб турган аёллар боласини сотмоқчи бўлган. Статистик маълумотларга қарасак, айни шу жойларда оилавий ажралишлар даражаси ҳам юқори.

Яна бир мулоҳазали ҳолат: гарчи



**Муҳтарама УЛУҒОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.**

кейинги йилларда мамлакатимиз барча ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший ривожланишига, одамларнинг иш билан таъминланишига жиддий эътибор қаратилиб, ижобий ўзгаришлар бўлаётган эса-да, вилоятларнинг чекка-чекка, шаҳар ва туманлар марказларидан олис манзил-маконлари аҳолисининг ҳаёти марказликлар турмуш даражасига етиб олиши учун йиллар керак бўлади. У ерларда ҳамон ичимлик суви ташиб келтириладиган, газ етиб бормаган жойлар бор. Электр чироқлари кечасию кундузи бирдек чарақламайди. Дўкону бозорларда шаҳардаги каби хилма-хил моллар, маҳсулотлар босилиб ётгани йўқ, доимий иш ўринлари етишмайди, меҳнат шароитлари ҳам шунга яраша... Аммо ўшандоқ жойларда яшаб турган оналардан бирортаси боласини сотганини эшитмадик! Ҳа, тан олиш керак, марказий шаҳарлардаги ҳаёт, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов хавотир билан ёзганидек, айрим хотин-қизлардан ҳаё пардасини кўтариб юборгани каби, айрим аёллар қалбидан оналик меҳр-муҳаббати, масъулияти, раҳм-шафқатини ҳам юпқартириб, ювиб ташлаётгандек. Сабаби...

Мустақиллик туфайли биз дунёга чиқдик, дунё халқлари учун чегараларимиз очилди. Ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали жаҳондаги элу миллатлар ҳаёти, маданияти, урф-одатлари, эътиқодига оид маълумотлар хонадонларимиз (айниқса, марказий шаҳар ва туманлар аҳолиси)га ёғилиб турибди. Мана шу жараёнда аксарият юртдошларимиз бебаҳо неъмат — эркинлик саодатини, ҳақ-ҳуқуқларини англаб боргани сайин ўзларининг жамиятдаги бурч ва ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳамда буни ҳимоя қилишни, эзгуликка етаклайдиган умуминсоний ғоялар, ибратли анъаналарни янада кенгроқ ўрганди; айримлар эса ўзлари билиб-билмаган ҳолда миллатимиз, неча асрлик қадриятларимизга ёт бўлган қусурлар: ҳаётга енгил-елпи қараш, "бир марта бериладиган умрда яшаб қолиш" кайфияти, иллати, худбинлигини чет эл ҳаётидан бевосита ёки билвосита "юқтириб" олди. Дунё илғор маданияти, юксак маънавиятининг очиқ-ошкор кушандаси бўлган "оммавий маданият" кўринишидаги эфирлар, либослар, кўргазмали муомала-муносабатлар, ялтир-юлтур қоғозу елим идишларга ўралган сунъий ҳид, таъм, ранг берилган емишлар воситасида қай бир кишилар онгидаги бўшлиққа ўрмалаб кирди, қалбини заҳарлади.

Биз Ватан, она, халқ, фарзанд учун умрини тикиб яшайдиганлар ҳақида гапирганимизда мустаҳкам эътиқод ҳаммада ҳам бирдек бўлмаслигини ҳисобга олишимиз керак. Киши қанақа оилада тарбия топгани, кимлардан илму сабоқ олгани, атрофида қандай одамлар бўлгани билан боғлиқ равишда тўғри, нотўғри ёки ора йўлга тушиб қолиши ва худди шу сабаблар натижасида ҳаёт синовларини енгишда барча бирдек иродали, сабрли, мулоҳазали бўлиб улғаймаслигини унутмаслигимиз шарт. Қай бир аёл тўққиз ойдан ортиқ муддатда юрагининг тагида не ҳолатларга тушиб эҳтиётлаб келган, ҳаёту мамот ўртасида туриб дунёга келтирган, жонининг бир парчаси бўлган боласини ўткинчи муаммоларини ҳал этиш учун пулга алмаштирмоқчи экан, демак, у ҳаётнинг нотўғри кўчасига кирган.

Юқорида марказий шаҳарлар ҳақида бежиз тўхталмадик. Ота-онадан узоқлашиб бу ерларга ўқиш, ишлаш мақсадида келган қизлар, аёллар учун юриш-туришда, кийинишда, таниш-билиш танлашда, турли жойларга боришда, овқатланиш ва ҳоказоларда илгари ҳеч синаб кўрилмаган "эркин"ликлар эшиги очилиб кетгандай бўлади. Боласини туғруқхонага (ёки кўчага, ахлатхонага... астағфируллоҳ!) ташлаб кетган қизларнинг аксарияти шу "эшик"лардан бирига кириб қолган бўлади. "Хўш, унда чирчиқлик аёлнинг 2018 йилда туғилган ўғлини, наманганлик она 2014 йилда туғилган ўғлини сотмоқчи бўлганини қандай тушуниш мумкин?" деган савол туғилади. Ахир уларнинг бири боласини олти ёшгача, иккинчиси ўн (!) ёшгача боқиб тарбиялади. Ёмон ният она қалбида бирданига пайдо бўлдимикин? Йўқ! Айни саволнинг жавоби, ечими ҳаммамизга тааллуқли.

### Меҳр-оқибат, ўзаро ишонч ришталари узилса...

Бир ҳаётий мисол келтирмоқчиман: бундан уч йиллар муқаддам "Адолат" газетасида сирдарёлик суд органи ходимларининг бир жиноий иш ҳақидаги мақоласи чиқди. Унда Шаҳнозахон исмли аёл чақалоғини сотаётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олиниб, беш йилга озодликдан маҳрум этиш чораси кўрилгани ҳақида ёзилганди.

Расмий маълумотларга кўра, аёл Фарғона вилоятининг Бағдод туманидан бўлиб, эридан ажралган, кичик фарзанди билан отасиникида икки йил яшаган. Моддий қийинчиликлар туфайли Тошкентга келиб, тикувчилик цехида ишлаган. Ўша пайтда наманганлик бир эркакка шаръий никоҳ билан турмушга чиқиб, эриникига кетган. Лекин янги оиласидагилар аёлнинг фарзандини чиқиштирмагани сабабли Шаҳнозахон яна Тошкентга келиб ишлайди, Янгийўлда ижара уйда яшайди. Уч ойлар ўтгач аёл ҳомиладорлигини билади, шаръий никоҳга олган эрига бу ҳақда маълум қилади, аммо "эр" ҳомилани олдириб ташлашни маслаҳат беради. Ҳомила анча катта бўлиб қолгани учун шифокорлар бу амалиётга кўнишмайди. Бу орада Шаҳнозанинг бир хоналик ижара уйига укаси ҳам оиласи билан кўчиб келиб яшай бошлайди. Уларнинг тирикчилиги ҳам ишлаб турган Шаҳнозанинг зиммасига тушади. Шунинг учун "Иккинчи фарзандим туғилса, янаям қийин аҳволда қоламан", деган ташвишини бирга ишлайдиган қизга айтади. Қиз тезда таниш йигитини, йигит эса сирдарёлик ўрта ёшли аёлни бошлаб келади. Сирдарёлик хотин келини бир неча йилдан буён фарзанд кўрмаётганини айтиб, "Туғилажак чақалоқни бизга беринг", деб сўрайди. Болани ўз фарзандидек кўриб улғайтиришини айтади. Шаҳноза бу таклифга рози бўлади. Сирдарёлик аёл уни Гулистонга олиб бориб шифокорларга кўрсатади, даволатади, ўғлигаям ғамхўрлик қилади. Шу орада... бу гаплардан хабардор бўлган бир таниши Шаҳнозага: "Сен у аёлнинг ҳожатини чиқаряпсан-ку, у ҳам сенга ёрдам берсин. Ижарада турган уйингни сотиб олишга пул сўра", деб йўл кўрсатади. Ўзининг назарида боши берк кўчага кириб қолган Шаҳноза бу гапга қўшилади, сирдарёлик аёлдан ўн бир минг АҚШ доллари беришини сўрайди. "Майли, мен ўйлаб кўрай-чи", деган жавоб бўлади.

Хуллас, чақалоқ туғилганининг бешинчи кунида, келишиб олганларидек, сирдарёлик аёл кириб келади, ёнидаги эркакни ўзининг яқин одами сифатида таништиради. Чақалоқ йўргакланиб, янги "онаси"га топширилиб, келишилган пул ҳақиқий она қўлига ўтган заҳоти ҳалиги эркак ўзининг ички ишлар ходими эканини айтади, Шаҳнозанинг қўлига кишан солинади. Суд уни беш йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқаради (сирдарёлик хотиннинг аввалига болани ўзаро келишиб қўлга киритмоқчи бўлгани, Шаҳнозага меҳрибончиликлари, Шаҳнозанинг иши жиноят экани ҳақида оғиз очмай, ўртага пул масаласи тушганда ўзгариши ва шундаям бир оғиз огоҳлантирмай, судда "Бу аёл боласини сотмоқчи бўлгани, жиноят йўлига киргани учун ҳуқуқ-тартибот ходимларига маълум қилдим", деб адолатпарвар бўлиб гувоҳлик бериши — қалбни пармалаб ташлайдиган алоҳида мавзу).

> **Аччиқ савол: куни ажриқнинг илдизи, кунжарага қолган замонлардан ҳам жигаргўшасини жонида асраб олиб ўтган момолар, бувилар, оналарнинг авлоди — ўзбек аёли ҳар куни қанча-қанча нону егуликлар ахлатга ташланаётган ҳозирги пайтда қандай сабаб билан боласини сотмоқчи бўляпти, пулга алмашяпти**

Воқеанинг оқибатинигина баён этмасдан, ўзи ва боласини, ўрни келса жигарларини ҳам боқиш учун ҳаракат қилган, оилавий бахтга интилган, тажрибасизлиги, бир тўғри маслаҳат берадиган одами йўқлиги туфайли жиноятчига айланган Шаҳнозанинг бошидан кечирганларини майдалаб ёзганим сабаби — ҳурматли ўқувчини мушоҳадага чорлаш.

Ёдингизда бўлса, 2017 йилнинг ёзида Юртбошимиз кенг жамоатчилик вакиллари билан ўтказган йиғилишда аёллар, оналар ҳақида алоҳида тўхталиб, хотин-қизлар масалалари билан шуғулланадиган маслаҳатчиларга икки ой муддатда ўзи масъул бўлган маҳаллалардаги барча хонадонга бирмабир кириб, оиладаги хотин-қизларнинг соғлиғидан тортиб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маиший муаммоларигача ўрганиб чиқишни, шу асосда тегишли ташкилотлар билан муаммоларни ҳал этиш чораларини кўришни топширган эди. Ўшандан буён барча маҳаллада номланиши ўзгарса-да, вазифаси шу ҳудуддаги хотин-қизлар билан ишлашга масъул бўлган ходималар фаолият кўрсатиб келяпти.

Оила, аёллар, оналик ва болаларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик — Президентимиз энг кўп эътибор қаратаётган масалалардан бири; ҳар гал бу борада гапириб, вазифалар қўйганда, масъулларнинг ўз тасарруфидаги ҳудуднинг барча хотин-қизлари билан юзма-юз доимий мулоқотда, уларнинг аҳволидан бохабар бўлишни, айниқса, ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлашни, ижтимоий ёрдам чин эгаларини топиши шартлигини кўп таъкидлайди. Токи жамиятнинг жипслиги, меҳр-оқибат, ўзаро ишонч ришталари ана шу нозик жойлардан узилиб кетмасин, қийналганлар, четда қолганлар нияти бузуқларнинг домига тушиб қолмасин.

Юқорида эслаганимиз Шаҳноза... ёш боласи билан отасиникида икки йил ўтирди... Иш излаб Тошкентга келди... ижарада яшади... Келин бўлиб бир муддат Наманганда турди... Кейин Янгийўлга келди... Моддий-маънавий жиҳатдан етишмовчилик, ёлғизлик, тўғри маслаҳат берадиган одамнинг йўқлиги боис хато йўлга кириб қолди. Аслида, у доим ўзимизнинг орамизда, хотин-қизлар билан ишлашга масъуллар фаолият кўрсатиб турган маҳаллаларда яшади. На масъуллар ундан хабар олди, на Шаҳноза шундай масъуллардан ёрдам, маслаҳат сўраши мумкинлигини билди! Қишлоқда меҳнатда улғайган, ҳалол ризқ топиш йўлида бўлган, фарзандини боқиш, улғайтириш учун қўлидан келганча ҳаракат қиладиган... аммо соддаю ишонувчанлиги учун хато йўлга кириб қолиб, тажрибасизлигию иродасизлигидан нотўғри маслаҳат, ваъданинг қопқонига тушганларнинг битта вакили бу. Мўрт ниҳолни шамол, ёмғиру сел хоҳлаган томонга эгиши, қайириши, синдириши, яксон қилиши осон бўлади.

Тўғри, жойларда хотин-қизларнинг ишонган маслаҳатчиси, қўллаб-қувватловчиси, жонкуярига айланган ходималар, жамоатчилик фаоллари кам эмас. Шу билан бирга...

2017 йили кеч кузда Фарғонанинг Шоҳимардон қишлоғида келин қайнонасининг ҳаётига кутилмаганда зомин бўлди. Қайнона ўғли ёқтириб уйланган келинини бошданоқ хушламагани қариндошу қўшниларга маълум экан. Ўғил ҳафтада бир марта ишдан дам олиш куни уйига келар, орада қайнона келинини ярим кечаларда ҳайдаб чиқаргани ҳам атрофдагиларга сир эмас экан. Аммо фожиадан кейин қишлоқ фуқаролар йиғинида "Бу оила аъзолари аҳил, тинч яшаб келган. Кутилмаган жанжал оқибатида ўлим содир бўлди", қабилида ҳужжат тахлаб қўйилган. Энг ажабланарлиси, маҳалладаги хотин-қизлар билан ишлайдиган маслаҳатчи — марҳум қайнонанинг яқин дугонаси, девордармиён қўшни ҳам шу фикрни тасдиқлаган. "Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади". Мухбирнинг "Фожиа юз берган куни қайнона-келин ҳовлигача бирбирини уриб-суриб чиқиб, бақир-чақир қилишган, сиз эшитмадингизми?" деган саволига маслаҳатчи: "Бу ҳам ҳар доимги уруш-жанжаллардан бири бўлса керак, деб ўйладим", деб жавоб берган... Мана шундай рўйхатда бор-у, амалда йўқ "масъуллар" озми, кўпми?.. Аммо битта бўлса ҳам ортиқча! Чунки унинг масъулиятсизлиги боис юз берган битта нохушлик оқибати қанча тақдирларга соя, доғ солиши мумкин.

### Асосий мезон — қалбларга йўл топа билиш

Бундай масъул вазифаларга ҳар бир маҳалла хотин-қизлари ўзлари яхши билган, оғирларини енгил, мушкулларини осон қилишни инсоний ва давлат олдидаги бурчи деб биладиган; ўзи шундоғам бекаму кўст бўлганларга эмас, муҳтожларга қайишадиган; ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган; фақат йиғинларда давра ёки дастурхон тайёр бўлгандан кейин келиб, тўрга чиқиб ўтириб, панду насиҳат қилиб кетадиган "иши жуда кўп, вақти кам" "активист"лар эмас, балки аёлни тинглай биладиган, аёллар ўз дардини айтишга журъат эта оладиган, маҳалласидаги ҳар бир она, бека, қизларнинг бугунги ҳаёти, кайфияти, юриш-туришидан бохабарлик доимий эҳтиёжига айланадиган оқила, ғамхўр, тадбиркор вакилаларни ўзлари танлаб, сайлаб олишлари керак.

Ёмон ният қора булутдек бирдан бостириб келмайди, бир сабаб билан дилда туғилади ва унинг йўлини тўсгувчи ёруғлик бўлмаса, қалбни ишғол қилиб боради... Аёл ўзи, боласи ҳаётини хавф-хатар, ноаниқликка қўйгувчи йўлга қадам босгунича анча-мунча иккиланишлар, саволлар, қўрқув-хавотирлар кўчасидан ўтади. Ана шу жараёнда меҳру шафқат билан узатилган бир қўл унинг тақдирини хато, гуноҳ, бир умрлик армонлардан асраб қолиши мумкин.

Анча чўзилиб кетган мулоҳазаю баёнларимиздан айтмоқчи бўлган фикримиз шу: маҳалладошми ёки бошқа жойдан кўчиб келганми, кўчамизда ("дом"имизда) муқим яшайдими ёки вақтинча ижарачими, кўзимизга ёқимли кўринадими ёки ёқимсизми — бирорта қиз-аёл хотин-қизлар масалалари бўйича масъулларнинг эътиборидан четда қолмасин. Қийналган, камсуқум, андишали, ўзининг бирор-бир ишидан хижолатда ёки пушаймонликда юрган опа-сингиллар саволига жавоб, маслаҳат, ёрдам олишини кафолатлайдиган муҳит яратиш — қалблар томон ишонч кўприги солиш.

"Саодат" журналига бош муҳаррирлик қилган пайтларида Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним биз — ходимларга таъкидлаб: "Аёлни тушунмайдиган, уни қўллаб-қувватламайдиган ижодкорга бу муҳарририятда ўрин йўқ", деган эди. Ҳа, жамиятимиз олдига: "Аёлни тушунмайдиган, уни қўллаб-қувватламайдиган, хотин-қизларнинг аҳволидан доим хабардор бўлиб, муаммоларини ҳал этиш йўлларини изламайдиган ходиманинг оналар ва бўлажак оналар тақдирига масъуллик юкланган лавозимлар, вазифаларда ишлашга ҳақи йўқ", деган қатъий талабни қўйишимиз ва бунинг амалини назоратга олишимиз керак.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 579 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.32 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6